

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 7 ноябрь • № 44-45 (1013-1014)

Ислохот ва жараён

## ТИББИЁТИМИЗ РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИДА

Истиқлолнинг инсонлар саломатлигини яхшилаш борасида берган имкониятлари, яратилган шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини кўрсатмоқда. Чунки, даврнинг тубдан ўзгариши барча соҳалар каби тиббиёт тармоғининг ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгаришига олиб келмоқда. Демак, бу янгиланишларда кенг қатламли аҳолининг бирдек иштироки, фаоллиги ва масъулияти юқорилигини кўриш мумкин.

Шунингдек, хориж ва маҳаллий тажрибалар кўламининг кенгайиши баробарида мустақил Ўзбекистон дастлабки йиллардаёқ халқаро тиббиёт соҳасида ўз ўрни ва мавқеи, кадрлар салоҳияти билан ажралиб туради.

Йиллар сарҳисобини қиладиган бўлсак, мамлакатимизда тиббиёт муассасаларидан тортиб, кадрлар фаолиятигача бўлган жараён янги тартибда ўзгариб, ривожланиш сари юз тутди. Бу албатта, биринчи навбатда қонун устуворлиги билан мустақамланди. Республикада янги механизм ишлаб чиқилди. Содда ва ихчам кўринишдаги фаолият турлари ўзининг ихтисослашуви ва тараққиёт дастури билан амалиётга кириб келди. Дастлаб

тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланиб, аҳоли яшайдиган ҳудудларга тиббиёт имкониятларини янада яқинлаштириш масаласи кун тартибидан ўрин ола бошлади. Бу жараён узоқ муддат давом этишига қарамасдан қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги туфайли соҳадаги ўзгаришлар, тиббиёт ислохотлари, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи замонавий фаолият турлари, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалалар ижтимоий соҳанинг муҳим объектига айланиб қолди. Ўтган ва бугунги давр орасидаги вақт 23 йилни ташкил этса-да, тиббиётимиз ривожини халқаро аҳамият даражасида

(Давоми 2-бетда).



Давлат мукофоти соҳиблари

## МУРАККАБ ВА ОФИР ВАЗИЯТЛАРДА

халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш вазифамиз, – дейди  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» Абдувоҳид Тошпўлатов



– Ҳаётини ташвишлар ва турли юмушлар билан банд бўлиб, баъзан соғлигимизга безътибор бўлиб қоламиз. Бамайлихотирлик эса қутилмаган жиддий асоратларни келтириб чиқариши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Оқибати эса барчага аён. Бу жараёнда кимлар кўпроқ масъулиятли? Ўзимизми ёки тиббиёт ходимлари? Бир ҳақиқатни тан олиш керак. Тани соғлиқ бу ҳаманинг ўзига керак экан, унинг натижалари аччиқ бўлмасдан аввал ҳамиша хушёр ва эътиборли бўлишни ўзимизга қатъий шiori қилиб олишимиз керак, – дейди **Республика ихтисослашган суяк-йиринг хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий мар-**

**кази директори, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» Абдувоҳид Тошпўлатов.**

Марказ фаолиятини ёритиш мақсадида ушбу шифо масканига ташриф буюрганимизда, одатдагидек мураккаб операция амалиётининг устидан чиқдик. Икки соатча давом этган амалиёт натижалари барчамизга қизиқ эди. Айниқса, беморнинг оила аъзолари бундан қаттиқ хавотирда. Беморнинг яқин қариндоши Гулҳаё опанинг фикрига қараганда, жияни Муроджоннинг суяги синиши оқибатида даво муолажаларини охиригача олиб бормагач, йиринглаш аломатлари кузатилган. Ниҳоят, опера-

ция тугалланди. Ҳали кийимларини алмаштиришга улгурмаган олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, марказ директори Абдувоҳид Тошпўлатовни саволга тутамиз...

– **Абдувоҳид Ғаниевич, операция узоқ давом этди. Беморнинг аҳоли қандай?**

Биринчи саволимиз шундай бўлди. Тажрибали шифокор нафас ростлашга ҳали улгурмасиданоқ берган саволимизга жавобан:

– **Бемор оғир жараённи бошидан кечирди. Суяк синиши баъзан шунчалик хатарли оқибатларга олиб келади, деб**

(Давоми 3-бетда).

## Ислохот ва жараён

# ТИББИЁТИМИЗ РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИДА



лаш мақсадида шошилич тиббий ёрдам шифохоналарига "Хундай" ва "Дамас" русумидаги реанимамодел ва тез ёрдам машиналари берилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббий илмий муассасалар тармоғи ҳақида гап кетганда, ушбу шифо масканларида тиббий ёрдам юксак технологияларга асослангани билан аҳамиятлидир. Санитария-эпидемиология соҳасини тубдан такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини тўла намойён этмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу борада мурракб вазият юзага келиб турганига қарамай, мамлакатимизга хавfli юқумли касалликлар кириб келишининг олди олинмоқда. Бундай ютуқлар ва юр-



юксалди, тараққий этди ва бу жараён узлуксиз равишда давом этиб келмоқда.

Зеро, тиббиётнинг олий мақсади – аҳолига кўрсатилган сифатли ва малакали тиббий хизмат турини яхшилаш, ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йилнинг 12 сентябрида қабул қилинган "Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бунинг ёрқин далилидир. Мазкур қонунга нувофиқ юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида нишонланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган бундай муҳим тадбирлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, халқимизни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш кўламини кенгайтириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга оид Давлат дастурларида белгиланган тадбирларнинг изчил ижроси натижасида халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгаймоқда.

Бирламчи шифо муассасалари – қишлоқ врачлик пун-

ктлари ва оилавий поликлиника тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, соҳада жаҳон тиббиёти ва илм-фани ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида халқро молия муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Саломатлик" лойиҳаси ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳудудларда аҳолининг қишлоқ врачлик пунктларига ишончи бир неча баробарга ортган. Бу касалликларнинг олдини олиш, сурункали хасталикларни камайтиришда сифат ўзгариши юз бераётганидан далолатдир.

Шошилич тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими шаклланди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 13 минтақавий, 173 туман ва шаҳар бўлими ишлаб турибди. Тизимнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкам-



лаш тизимида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини муҳофазалашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида одамларнинг ўртача умри узайиб, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий салоҳияти юксалиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туманларда тиббиёт бир-

лашмалари ташкил этилди. Жойларда замонавий тиббий диагностика марказлари болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш йўналишига айланди. Шифокор ва олимларимизнинг аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, миллатимиз генофондини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш борасидаги фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ватанимизнинг юксак мукофотлари соҳиблари кўпайиб бораётгани бунинг далилидир. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши, ҳар бир шифо маскани ҳузурида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиниши натижасида шифокорларнинг иш ҳақлари бир неча баробар оширилди.

Касб байрамини кўтаринки рўхта нишонлаётган шифокор-

ларимиз бундай ишонч ва эътиборга муносиб жавоб қайтариш мақсадида соҳага оид давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, профилактика тадбирлари кўламини кенгайтириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаол иш олиб бормоқдалар. Айниқса, Инвестиция дастури асосида замонавий тиббиёт муассасаларининг янгидан бунёд этилаётганлиги, айримларининг эса реконструкция қилинаётганлиги, бу албатта, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Тиббиёт ходимларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш, инсон манфаатларини мустаҳкамлаш ва эл саломатлигини муҳофазалашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

**Республика соғлиқни сақлаш тизимида фидойилик билан меҳнат қилаётган соҳа мутахассисларини Тиббиёт ходимлари кунини билан муборакбод этиб, уларнинг машаққатли, аммо масъулиятли касбларига омадлар тилаб қоламиз.**

**Намоз ТОЛИПОВ.  
Суратлар муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Эътироф

## ШАРАФЛИ, АММО МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ

**Болаликда ҳаммамиз ҳам шифокорлик касбини орзу қилганмиз. Инсонлар дардига малҳам бўлиб, эл дуосини олиб яшашдек бахт эса барчага ҳам насиб қилавермас экан. Эгнидаги оқ халатига содиқ қолиб, бутун ҳаловату илму салоҳиятини ишга солган камтарин, ширинсўз ва қўли энгил тиббиёт ходимларимиз борки, улар ҳақида кўплаб гапириш мумкин.**

Бу касб қанчалик масъулиятли, машаққатли ҳамда юксак билим ва тажриба талаб этишини Тошкент педиатрия тиббиёт институтига кирган кунимдан оқиб чуқур англаб етдим. Айниқса, келажакимиз ворислари бўлган болаларнинг дардига дармон улашиб, уларнинг бахтиёр кулгуларини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси экан, бунга эришмоқ учун педиатр-шифокорлардан катта билим ва амалий кўникма та-

лаб қилинар экан. Бу йўлда мен таълим олаётган институт ўқитувчилари ҳам талабаларга тиббиётнинг сиру синоатларини мукамал ўргатишдан асло чарчамайдилар. Ҳақиқатдан ҳам тиббиёт касби шарафли, айниқса, эгнингдаги оқ халатга хиёнат қилмай, пок виждон билан ишлаш бу чанакамига жасорат бўлса керак. Бундай таърифларни кўплаб келтириш мумкин.

Фидойи касб эгалари меҳнатига бўлган

эътибор бугун муҳтарам Юртбошимиз томонидан алоҳида қадрланмоқда. Соҳани ривожлантириш йўлида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Замонавий тиббиёт муассасаларидан тортиб, таълим олиш масканларигача бўлган давр руҳига мос ўзгаришларни сезиш мумкин. Биргина ўзим таҳсил олаётган таълим муассасасида ҳам талабалар учун барча қулайликлар мавжуд. Ахборот-ресурс марказлари, лингафон хоналари, спорт мажмуи диққатга сазовор. Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда тиббиёт ходимларининг касб байрами сифатида нишонланади. Шу кунини бир гуруҳ шифокору ҳамшираларимиз "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўкрак нишони билан тақдирланади.

Бу унвон, бу эътибор ва ғамхўрликни кўриб, биз ёшларнинг ҳақли равишда ҳавасимиз ортади. Ўқишга ва изланишга бўлган ишончимиз мустаҳкамланди. Зеро, шоир айтганидек:

**Яхшиямки, сиз борсиз,  
юртимиз врачлари,  
Сиз туфайли ошкора тиббиёт  
тилсимлари,  
Хизматингиздан шахдам  
соҳанинг одимлари,  
Фаол, ташаббускорсиз,  
тиббиёт ходимлари!  
Ситора ТУРСУНОВА,  
Тошкент педиатрия тиббиёт  
институтининг клиник  
радиология ординатураси  
1-босқич талабаси.**

## Давлат мукофоти соҳиблари

## МУРАККАБ ВА ОФИР ВАЗИЯТЛАРДА

халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш вазифамиз, – дейди

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» Абдувоҳид Тошпўлатов

ҳатто ўйламаймиз. Муроджоннинг ҳозирги аҳоли қониқарли, унга узоқ кузатув ва жиддий даволаниш зарур. Шогирдларимиз билан барча имкониятларимизни ишга солдик. Ҳар бир амалиёт шифокорларимиз учун янги бир мактаб. Тиббиёт эҳтимол шу хусусиятлари билан бошқа соҳалардан фарқ қилса керак.

Малакали мутахассис Абдувоҳид Тошпўлатовнинг жавобини эшитган беморнинг яқин қариндошларининг ҳам кўнгли хотиржам бўлди. Шифокор уларга беморни қатъий тартибда парвариш қилиш лозимлигини тайинлади.

Республикада ягона бўлган суяк-йиринг хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази кўп йиллардан буён халқимиз саломатлигини яхшилаш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу марказни узоқ йиллик бой тажрибага эга, ташаббускор раҳбар сифатида элга танилган Абдувоҳид Тошпўлатов 1983 йилдан бери бошқариб келмоқда. Шу кунга қадар марказда 31 мингдан ортиқ беморда мураккаб операция амалиётлари бажарилди. У кишининг ташаббуси билан нафақат юртимизда, балки дунё тиббиётида илк бора соҳанинг энг оғир йўналишларидан бири бўлган суяк-йиринг хасталиги ва жароҳат оқибатлари билан оғриган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

– Марказимизда ҳар йили 6 мингга яқин беморга консултатив ёрдам кўрсатилади, шундан 500 нафардан ортиғига жарроҳлик амалиёти қўлланилади, – **давом этди Абдувоҳид Тошпўлатов.** – Таъкидлаш керакки, охириг уч йил ичида марказ биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Бунга қарийб 60 миллиондан ортиқ маблағ сарфланди. Марказнинг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бера оладиган даражада мустаҳкамланди. Шифохонамизда 2 та жарроҳлик хонаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

ташқил этилди. Бунинг натижасида беморларнинг марказда ўртача даволаниш муддати 24-25 кундан 20-21 кунга қисқарди ва бу кўрсаткич 91 фоизга яхшиланди, десак хато бўлмайди.

– **Биламизки, сиз нафақат ўзингизга нисбатан, балки шогирдларингизга ҳам талабчан устозсиз. Муассасада устоз-шогирд аънаналари қандай йўлга қўйилган?**

– Албатта, тиббиёт соҳасини танлаган ҳар бир шогирдимга, бу касбнинг машаққати ва масъулиятини ҳам кўтара олиш кераклигини таъкидлайман. Тиббиёт ходими хатога йўл қўйиши

Шогирдларим хорижий мамлакатларда ва республикамизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу албатта, ҳар бир устозни қувонтириши табиий.

Дарҳақиқат, бутун умрини беморларга, травматология-ортопедия соҳасини ривожлантиришга бағишлаб келаётган фидойи инсон Абдувоҳид Тошпўлатов раҳбарлигида шу кунга қадар 7 нафар шогирди фан номзоди даражасига эришди. Соҳадаги мураккаб операцияларда уларнинг хизматларини устоз-шифокор муносиб қадрлаб, доим эътироф этиб келадилар. Рес-



публика микёсида соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика муассасаларига илмий-амалий, ташқили ва услубий ёрдам бериб, ўз тажрибаси, билими, мустаҳкам иродаси, давлатимиз сиёсатини тўғри тушунган тарғиботчи-устоз сифатида халқро конференцияларда ҳам ўз маърузалари билан қатнашиб, муносиб эътирофларга сазовор бўлган. Республикада суяк-йиринг хасталиклари ва жароҳат оқибатлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган ногиронликни камайтириш, уларнинг олдини олиш борасида “Дард устига чипқон” ҳужжатли фильми яратилган.

– Ҳар бир инсонда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш бугунги кун талабига айланмоқда, – дейди Абдувоҳид

Ташпўлатов. – Чунки, аксарият касалликлар ўз саломатлигимизга эътиборли бўлмасликдан, меъёрнинг бузилишидан келиб чиқмоқда. Қабулимга келган фуқароларга, албатта, саломатликни сақлаш меъёрларига амал қилишларини айтаман. Иккинчи навбатда соғлом турмуш тарзи. Бу ҳаммамизнинг энг катта вазифамиз. Барчамиз ҳам ушбу қоидаларга амал қилганимизда эди, бугунги кунда сизу бизга номаълум бўлган касалликлар келиб чиқмасди. Инсоннинг танасида 200 дан ортиқ суяк мавжуд бўлса, уларнинг ҳар биттаси қандайдир вазифани бажаради. Уни асраш, эҳтиётлаш жуда муҳим. Хоҳлардимки, фуқароларимиз саломатликларини доимий назорат қилиб борсалар. Хабарингиз бор, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан барча жойларда саломатлик ҳафталиклари ташқил қилинмоқда. Албатта, марказимиз ходимлари ҳам вилоятларга хизмат сафарига бориб, халқимизга амалий ёрдам бериб, даволанишларига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.



– Чунки, аксарият касалликлар ўз саломатлигимизга эътиборли бўлмасликдан, меъёрнинг бузилишидан келиб чиқмоқда. Қабулимга келган фуқароларга, албатта, саломатликни сақлаш меъёрларига амал қилишларини айтаман. Иккинчи навбатда соғлом турмуш тарзи. Бу ҳаммамизнинг энг катта вазифамиз. Барчамиз ҳам ушбу қоидаларга амал қилганимизда эди, бугунги кунда сизу бизга номаълум бўлган касалликлар келиб чиқмасди. Инсоннинг танасида 200 дан ортиқ суяк мавжуд бўлса, уларнинг ҳар биттаси қандайдир вазифани бажаради. Уни асраш, эҳтиётлаш жуда муҳим. Хоҳлардимки, фуқароларимиз саломатликларини доимий назорат қилиб борсалар. Хабарингиз бор, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан барча жойларда саломатлик ҳафталиклари ташқил қилинмоқда. Албатта, марказимиз ходимлари ҳам вилоятларга хизмат сафарига бориб, халқимизга амалий ёрдам бериб, даволанишларига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳа, ушбу марказнинг кенг қам-

**Дарҳақиқат, орамизда ана шундай ўз касбини севиб-ардоқлайдиган шифокорлар бор экан, тиббиётимиз ривожига янада бардавом бўлаверади.**

**Ўз ўрнида тахририят жамоаси жонкуяр, меҳрибон, қалби доимий шижоатга йўғрилган ажойиб инсон Абдувоҳид Тошпўлатовни юксак мукофот ҳамда яқинлашиб келаётган Тиббиёт ходимлари куни билан чин дилдан қутлайди.**

**Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.  
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

## Ибн Сино ўқишлари

## БУЮК ТАБИБ ТАЪЛИМОТИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА



Қадим Бухоронинг Афсона кишлоғида таваллуд топиб, ўз даврининг етуқ табибига айланган, бугунги кунда ўзбек халқининг буюк тимсолларидан бири, Европа давлатларида эса Авиценна номи билан тан олинган Абу Али ибн Сино таълимоти, ҳаётининг фаолиятига қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизда алломанинг илмий-маданий меросини қадрлаш, ўқиб-ўрганишга жиддий эътибор қаратилаётгани кенг жамоатчиликка маъқул ишдир.

Ўз ҳаётининг фаолияти давомида фақат ажалнинг давосини топа олмаганини таъкидлаган улуғ табибнинг “Тиб қонунлари” асари жаҳон тиббиётининг ноёб дурдонаси бўлиб қолди. Мамлакатимизда буюк табиб, мутафаккир ва аллома ижодий меросини ўқиб-ўрганишга бағишланган ҳафталик эълон қилиниб, ана шу муносабат билан янгидан ташқил этилган Тошкент Давлат стоматология институтидида давра суҳбати ташқил этилди. “Буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижоди” мавзусига бағишланган тадбирга “Ибн Сино” жамғармаси раиси, профессор Шерзод Зокирхўжаев таширф буюриб, бўлғуси шифокорларга табиб таълимотининг энг назик ва сирли жиҳатлари хусусида сўзлаб берди.

Дарҳақиқат, маскур олий таълим муассасаси талаба-



ёшлари ўртасида ўзбек халқининг бой ўтмишида тўпланган табобатчилик аънаналарини ўрганиш ва ўзлаштиришга қизиқиш катта. Ҳафталик доирасида “Ибн Сино – менинг тасаввуримда” мавзусида викторина ва кўрғазма ташқил қилиниши ана шундан яна бир кар-

ра далолат беради. Мамлакатимиздаги бошқа тиббиёт олий ўқув юр்தларида ҳам “Ибн Сино ўқишлари” мавзусидаги ҳафталик муваффақиятга яқинлашмоқда.

**Хулқар КУЗМЕТОВА.  
Суратлар муаллифи  
Ибодат СОАТОВА.**

## Ислохот одимлари

**БИЛИМ, ТАЖРИБА, САЛОҲИЯТ****аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим шартидир**

**Истиқлол шарофати билан юртимизнинг барча жабҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёни бугунга келиб ўзининг юқори натижаларини бераётганлиги қувонарли ҳолдир. Шундай экан, нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг жадаллик билан давом этаётганлиги, мамлакатимиз равнақ топиб бораётганлигидан далолатдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, бунёдкорлик ишлари билан узвий боғлиқ. Хизмат сафарини билан қайси бир вилоятда бўлмайлик, юқоридаги фикрларимизнинг яққол ифодасини кўрамиз.**

Куни кеча Фарғона вилоятида бўлганимизда, у ердаги бунёдкорлик ишлари, қолаверса ҳар бир соҳадаги ютуқларни кўриб, истиқлолга эришганимизга шукроналар айтамиз. Жумладан, республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Тиббиёт ходимлари байрами арафасида Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишиш чоғида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ

матология, ревматология, ҳўжалик ҳисобидаги терапия, аллергия, кардиология бўлимлари мавжуд бўлиб, аҳолига 631 нафар тиббиёт ходими намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кейинги йилларда марказимизнинг барча бўлимлари қайта таъмирдан чиқарилиб, замон талаблари даражасида тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминланди. Қачонки, муассасада фаолият юритаётган кадр салоҳияти юқори бўлсагина, натижа қувонарли бўлади. Марказимизда кадрлар масаласига катта эътибор қаратилиб, режа асосида уларнинг касбий малакасини ошириш билан бирга,

эътибордан четда қолмасин! шiori остида Ўзбекистон, Бешариқ, Фурқат, Данғара, Бувайда, Учкўприк, Риштон, Олтиариқ, Фарғона, Боғдод, Қува, Ёзёвон туманларида ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўрикда гастроэнтеролог, невропатолог, отоларинголог, функционал диагностика мутахассислари 2183 нафар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказдилар.

Жорий йилда “Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича режа асосида кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларимиз аҳоли орасида ҳам тарғибот ишларини олиб бордилар. Йиллик режага асосан амалга оширадиган ишларимизни давом эттириб, бугунги давр талаби асосида халқимизга сидқидилдан хизмат кўрсатиш учун бор билим ва тажрибамизни ишга соламиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиз шифокорларини касб байрамлари билан самимий қутлаб қоламиз.

**Ҳасан МАХМУДОВ,**  
Гематология бўлими  
бошлиғи, тиббиёт фанлари  
номзоди:

– Амалга оширилаётган исло-



даво муолажалари тўғри йўналтирилса, ҳар қандай дард чекилади. Шундай экан, инсон ўз саломатлигига бефарқ бўлмаслиги, қолаверса, бир йилда икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтиб турса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Барча касбдошларимни Тиббиёт ходимлари куни билан қизғин қутлаб қоламиз.

**Рустам ЮНУСОВ,**  
лаборатория бўлими  
бошлиғи, врач-лаборант:  
– Бўлимимизда клиник, биохимик, церрологик текширувлар

лигланиши каби касалликлар билан хасталанган беморлар даволанади. Ўтган йили бўлимимиз қайта капитал таъмирдан чиқарилиб, даволанувчилар ва ходимлар учун барча шароитлар мавжуд. Беморлар касаллигини аниқлаш ва даволашда спирография (нафас йўллари ҳажмини аниқлайди), бронхоскоп, неблайзер аппаратларидан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқилган стандартлар иш жараёнини давомлатишда қўл келаяпти. Уч нафар врач ҳамда 24 нафар



Гематология бўлими



Пульмонология бўлими



Лаборатория бўлими

бўлди. **Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Хусан Мамажонов ҳамда жамoa ходимлари билан эришилаётган муваффақиятлар хусусида суҳбатлашдик.**

– Аввало, юртимизнинг осойишталиги, халқимизнинг турмуш фаровонлиги келажагимиз пойдевори мустаҳкамлигидан далолат беради. Бу Президентимизнинг одилона сиёсати мевасидир. Самарали кечаётган ҳар бир кун мамлакатимиз аҳолиси ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кадрлар масаласи, эпидемиологик барқарорлик, инвестиция лойиҳалари ва бошқа йўналишлардаги фаолият самара бераётганлиги Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаётганлигини кўрсатмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида намунали ишлар талайгина. Кўп тармоқли тиббиёт марказимизда туб ўзгаришлар кўп. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Шифо масканимизда жарроҳлик, оториноларингология (ЛОР), йирингли-септик жарроҳлик, нейро-травматология, кўкрак қафаси ва қон томирлар жарроҳлиги, проктология, реанимация ва анестезиология, пульмонология, неврология, гастроэнтерология, ге-

мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда ўтказилаётган анжунанларда фаол иштирок этиб келишларини таъминламоқдамиз. Марказимиз қошида 2013 йил давомида 2 мартаба неврология ҳамда отоларингология мутахассисликлари бўйича Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан сайёр цикллари ўтказилганлиги ҳам ходимларимизнинг таъмирдан чиқарилиб, беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бўлимимиз 30 ўринга эга бўлиб, унда турли хилдаги камқонлик, гемопластоз ва гемаррогик диатез касалликларига чалинган беморлар даволанишади. Мутахассисларимиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган стандартлар асосида иш олиб бордилар. Айтишим муҳимки, республика соғлиқни сақлаш тизимида мазкур йўналишда изланиш олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Кўпчилик ўткир лейкоз касаллигини оғир хасталик ҳисоблаб, яшашга бўлган умиди сўнади. Лекин бу фикр нотўғри. Мана, 33 йиллик фаолиятим давомида кўпгина беморлар бу хасталикдан бутунлай фориг бўлиб, соғлом ҳаётга қайтганининг гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Демокчи-манки, бу каби ютуқлар давлатимиз томонидан гематология соҳасига қаратилаётган эътибор, ҳамда ушбу йўналишда ишлаётган мутахассисларнинг кўп йиллик таърибаси самараси, деб биламан. Асосий вазифа халқимиз саломатлигини асраш экан, вақтида касалликнинг олди олиниб,

қотлар жараёнида кўплаб тиббиёт муассасалари замон талаблари даражасида қад кўтарди, айримлари реконструкция қилиниб, янги технологиялар билан таъминланди. Шу жумладан, марказимиздаги гематология бўлими ҳам қайта таъмирдан чиқарилиб, беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бўлимимиз 30 ўринга эга бўлиб, унда турли хилдаги камқонлик, гемопластоз ва гемаррогик диатез касалликларига чалинган беморлар даволанишади. Мутахассисларимиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган стандартлар асосида иш олиб бордилар. Айтишим муҳимки, республика соғлиқни сақлаш тизимида мазкур йўналишда изланиш олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Кўпчилик ўткир лейкоз касаллигини оғир хасталик ҳисоблаб, яшашга бўлган умиди сўнади. Лекин бу фикр нотўғри. Мана, 33 йиллик фаолиятим давомида кўпгина беморлар бу хасталикдан бутунлай фориг бўлиб, соғлом ҳаётга қайтганининг гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Демокчи-манки, бу каби ютуқлар давлатимиз томонидан гематология соҳасига қаратилаётган эътибор, ҳамда ушбу йўналишда ишлаётган мутахассисларнинг кўп йиллик таърибаси самараси, деб биламан. Асосий вазифа халқимиз саломатлигини асраш экан, вақтида касалликнинг олди олиниб,

олиб борилади. Ходимларнинг фаолият юритиши учун барча зарурий шароитлар яратилган. Бўлимда ишлаш мутахассисдан катта масъулият билан бирга, ўта хушёрликни талаб этади. Чунки, лаборатория таҳлили орқали беморга тўғри ташхис қўйиш мумкин. Яқинда бўлимимизга Швейцария давлатида ишлаб чиқарилган Sysmex CA-50 лаборатория аппарати келтирилди. У қон ивиш факторларини аниқлайди. Бу энг сўнгги русумдаги ноёб аппарат бўлиб, таҳлилни тўғри, тез ва сифатли чиқариб беради. Мазкур аппаратда мукамал ишлай олиш учун врач-лаборантлар Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида бир ҳафталик курсларда ўқиб қайтдилар. Бундан ташқари, ходимлар белгиланган режа асосида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти клиник лаборатория диагностика кафедрасида ҳам назарий ва амалий билим олмақдалар. Фаолиятимиз давомида учрайдиган муаммолар бўйича Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош лаборанти Алла Мимжанованинг тавсия ва маслаҳатларидан фойдаланиш билан бирга, услубий ва амалий ёрдам оламиз. Тиббиёт соҳасида кўп йиллик меҳнатлари билан ҳурмат топаётган устозларимизга эзгу тилаклар ёр бўлишини истаб қоламиз.

**Мохира РАСУЛОВА,**  
пульмонология бўлими бошлиғи:

– Пульмонология бўлими 40 ўриндан иборат бўлиб, унда ўпкадаги силдан ташқари нафас йўли, зотилжам, бронхиал астма, бронхит, ўпканинг йирингли ял-

ҳамшира беморларни даволаш баробарида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида назарий ва амалий билимларни бойитган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. Марказимизда пульмонологик дифференциал диагностика комиссияси ташкил этилган бўлиб, (ЛОР, фтизиатр, пульмонолог, онколог, торакал хирург) улар томонидан ўпка соҳасида кетаётган касалликлар аниқланиб, консилиум қилинади. Агар ноаниқ касалликлар бўлса, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг пульмонология ва клиник аллергия кафедраси профессор-ўқитувчилари билан биргаликда маслаҳатлашиб, даво муолажалари олиб борилади. Бўлимимизда “Астма мактаби” очилган бўлиб, ҳар ойда бир марта шифокорлар учун назарий ва амалий билим берилади. Беморлар учун эса, ҳафтада бир марта касалликлар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиши билан бирга, тиббий асбобларни қўллаш бўйича тушунча бериб борилади. Мақсадимиз биринчи ўринда касалликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир. Соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган шифокору ҳамшираларни касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, оилавий хотиржамлик ва мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.

**Ибодат СОАТОВА.**  
Муаллиф олган суратлар.

## Орамиздаги одамлар

## «БЕМОРГА МЕХР БЕРИНГ!»

У ўз болалик дамларини яхши эслайди. Ўсмирлик даврида ота-онаси уни Тошкент вилоятининг тоғли худудларида жойлашган оромгоҳларга юбориш олди-дан ўрнатилган тартибга мувофиқ, Юқори Чирчиқ туманининг Янгибозор қишлоғида жойлашган амбулатория шифокорларига олиб борар, бу ерда мактаб ўқувчиларига тиббий маълумнома тайёрлаб бериларди. Ўсмир Зайдулла оқ халат соҳибларининг хатти-ҳаракатларини ажабланиб кузатар, келиб-кетувчилар билан самимий ва илиқ муносабатда бўлишларига ҳавас келарди. Эҳтимол, бугун кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган ревматолог Зайдулла Еримбетовда шифокорлик касбига нисбатан уйғонган ихлос ва ҳавас унинг болалик дамларида қолган ўша хотираларга бориб тақалар.

Орадан йиллар ўтиб, ўша ўсмирнинг собиқ Тошкент Давлат тиббиёт институти даволаш факультетига ҳужжат топшириши, талабалик даврида инсон ҳаётига ҳавф солувчи турли хасталикларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиши, касалликка ташхис қўйиши, беморнинг аҳволи билан танишиши, лаборатория таҳлилларини ўтказиши, врачлик этикаси, касбий салоҳиятни ҳар томонлама эгаллаши йўлидаги интилиш ва саъй-ҳаракатлари маҳсули – малакали ва тажрибали мутахассис билан бугунги кунда ҳамкасблари, шогирдлари фахрланишмоқда. Эл назарида бўлиш, беморлар раҳмати ва дуосини эшитиш, ҳамкасблари орасида ўз ўрни ва нуфузини топа билишдек бахт Зайдулла Еримбетовга насиб этди...

Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология, ХДТ ва лаборатория иши" кафедраси ревматолог, олий тоифали шифокор Зайдулла ака уйда нонуштани наридан-бери қилади, талабалик давридан ҳозирга қадар қадрдон бўлиб қолган ишхонасига шошилади. Эрталаб соат 7 да ўз иш жойига кириб келган шифокорни жамоасидагилар қарши олишади, шифокор учун бу ерда даволанаётган беморларнинг аҳволини билиш сув билан ҳаводек муҳим. Кафедра қошидаги ревматология, яъни бод касалликлари бўлими 35 ўринга мўлжалланган бўлиб, даволаш жараёни ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилмоқда.

– Бўлимда 25 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади, шундан 13 нафари кафедра таркибида бўлиб, ҳам илмий, ҳам амалий жараён билан шуғулланади. Тиббиётнинг қайси йўналишини олиб қарамайлик, беморни қийнаётган дарднинг келиб чиқиш сабаблари у яшаётган муҳит, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилади. Бўлимда даволанаётган беморлар ревматизм, ревматоид артрит, деформацияланган артроз, системали кизил югурдак (СКВ), подагра, Бектеров касалликлари билан оғриб, уларни даволаш жараёнида шифокор ва тадқиқотчилар организмда кечадиган бошқа сурункали хасталиклар билан боғлиқ эканлигини аниқлайдилар. Бизда қарор топган ва шакланган кўп йиллик анъаналардан биттаси ҳар бир шифокор ва ўрта тиббиёт ходими қалбида акс садо бериб турувчи "Беморга меҳр беринг" деган шioriдир. Чунки беморнинг қалбига йўл топа олмасак, даволаш жараёни туман ичида қолган йўловчининг ўз манзилини топишдек мураккаб ишга айланади, – дейди Зайдулла Еримбетов.

Кунда, қунаро учрашиб турган кишилар бир-бирларини яқинроқдан биладилар. Гарчанд улар иш юзасидан бир-бирлари билан мулоқотда бўлишса ҳам, бу аснода кимнинг қандай билим ва тажрибага эгалиги, ни-

мага қодирлиги, ҳаттоки, ички дунёси ҳам намоён бўлади. 1976 йилдан буён ана шу даргоҳни тарк этмай фаолият кўрсатиб келаётган шифокор жуда кўп кишилар билан ишлади, турфа феъл-атворли ҳамкасблар даврасида юриб, улардан ўрганди, айни пайтда ўзи ҳам устозга айланди.



Таъкидлаганимиздек, Зайдулла Еримбетов салкам қирқ йиллик ўз меҳнат фаолияти давомида ҳамкасбларида ўзига нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳурмат уйғота олди. Аслида, ҳаммининг қалбидан жой олиш, ҳар бир кишига инсоний хислатлари билан ёқибдек бахт камдан-кам одамга насиб этди.

**Маъруф КАРИМОВ,**  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор:

– Бўлимга жойлашиб даволанаётган беморларнинг 65-67 фоизи таянч ҳаракат системасида асосий роль ўйнавчи суюқ тизими билан боғлиқ касалликларга учраганини кузатамиз. Бу ерда улар шошилиш тез тиббий ёрдам, ордер ҳамда хўжалик ҳисобига маблағ ўтказиш йўли билан қабул қилиниб, 10-12 кунлик даволаш жараёнига жалб этилади. Бўлимда нафақат даволаш жараёни, балки ҳужжатларнинг юритилиши, ташкилий хўжалик ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Клиниканинг бошқа бўлимларидан у киши юритаётган иш ҳужжатларини ўрганиб, намуна олиб кетишади. Бўлимда ҳар кун Зайдулла ака бошчилигида эрталаб беш, ўн дақиқалик йиғилиш ўтказилади. Даволанаётган беморлар тўғрисидаги ахборот берилгач, шифокор ва ҳамшираларга кундалик вазифа ўқтирилади. Аҳволи анча жиддий бемор қабул қилинса, зудлик билан клиник консилиум чақирамиз. Бундай пайтда Зайдулла аканинг ревматологик касалликлар бўйича жуда катта тажрибага эга шифокор эканлиги кўзга ташланади. Эл саломатлиги йўлида ўз билимини, ақл-заковатини сарфлаб келаётган Зайдулла акани 1990 йилдан бери меҳрибон шифокор, доимий равишда ўз билим тажрибаларини

бойитиб боровчи ҳамкасб, оила-сида эса рафиқаси ва фарзандларига чинакам ғамхўрлик кўрсатувчи ота сифатида биламиз. Беморлар яшаш тарзи, фикрлаши, ҳаётга муносабати билан бир-бирдан фарқланса ҳам, Зайдулла ака уларнинг барчасига бирдек назар билан ёндашади. У киши ҳаётда кўп қийинчиликларга учраган беморнинг қалбига ҳар томонлама кириб борсам, дейди. Ҳақиқий шифокорнинг маънавий қиёфаси аслида бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Киши қайси касбда ишласин, унинг касбий салоҳияти йиллар мобайнида сайқалланади, ҳаётда рўй берган ва бераётган воқеа-ҳодисалардан хулоса чиқаради, ён-атрофидаги сафдошлари, замондошлари билан мулоқот қилиб, уларга "нимадир" беради, улардан ҳам "нимадир" олади. Шу жиҳатдан олганда, Зай-

қатини чуқурроқ англайди. Ревматология бўлимига келиб даволанувчиларнинг кети узилмайди, улар турли ёшдаги юртдошларимиз бўлиб, ҳар хил сабабларга кўра, ревматологик касалликларга чалинишган. Улар билан суҳбатлашган киши чеҳрасида акс

**Робия СУВОНОВА, бемор, 53 ёш:**

– Сира иккиланмай Зайдулла акани қалби соф ва тоза ниётларга тўлиқ шифокор, деб биламан. Дарднинг қандай ва қачон сизга илакишганини билмай қолар экансиз. Дастлаб қон томирлари функциясининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган синдром бора-бора менда системали склеродермия касаллигининг ривожланишига имкон яратган. 2007 йилда илк бора бу ерга келганимда оёғим шишиб кетган, юришга қийналардим. Шифокор Зайдулла ака барча беморлар қаторида мени синчковлик билан текшириб, тўғри ташхис қўйди. Шукрки, ҳозир аҳволим яхши. Бир йилда икки мартаба – баҳор ва кузда шу ерга келаман. Баъзан ордер билан, баъзан ўз ҳисобимдан даволанаман.

дан нима топдингиз?" деган саволга у киши учта ҳолатнинг изоҳини келтиради:

– Обру-эътиборга эришдим. Танишлар ёки нотанишлар даврасида врач эканлигини биллишса, тиббиётга доир саволлар бериб, сиздан нималарнидир билишга интилишади. Шунда шифокор бўлганимдан фахрланаман. Даволаган беморларимдан уч нафари менга ҳавас қилиб, ўз фарзандларига Зайдулла исмини қўйишган. Адашларим кўпаяётганидан гурурланаман. Қайсидир йили шифокорлар даврасида ёш йигит мен билан саломлашиб, "Сиз мени эслолмайсиз, онамни даволагансиз, ўшанда уларни кўргани бориб, сизга ўхшаб шифокор бўлиш орзусини дилимга тукманман. Ниёт холис бўлса, ижобатини берар экан. Мана, Тошкент тиббиёт академиясини битирдим, шифокорман" деб қолса бўладими? Ҳақиқатан ҳам мен бу йигитни эслолмадим, аммо унинг илиқ ва самимий гапларидан мамнун бўлдим.

Инсоннинг умр йўлини қисмат, тақдир дейдилар. Агар унинг шаънига фақат илиқ фикрлар айтилса, биллингиз, ўша инсон бунга ўзида шакланган мукамал тарбия орқали эришган. У қандай вазиятда бўлмасин, яхшилик қилиш учун шошилади ва бунинг савобини Аллоҳ йўлига бахшида этади. Бунинг муқофоти кўп, тинч ва осойишта оилавий ҳаёт, ҳамкасблар орасидаги ҳурмат-эътибор, энг муҳими, ўз касбидан ва тақдирдан розилик. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги 3-клиниканинг ўз касбига масъулият билан қарайдиган, ҳар дақиқада бемор учун жонини қалқон қиладиган олий тоифали шифокори Зайдулла Еримбетов ана шу даражага эришган замондошларимиздан бири. Буни у кишининг иш жараёни билан ҳали танишмасдан туриб таъриф-тавсия берган клиника бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Жасур Ризаевнинг қуйидаги эътирофи яна бир қарра тасдиқласа, ажаб эмас:

– Ревматология бўлимида баъзан фавқулодда ҳолатлар бўлиб туради. Айрим беморларнинг аҳволи қийинлашади, шундай кезде тажрибали шифокорларнинг уйига кўнғироқ қиламиз. Оғринмасдан, малоллик сезмасдан биринчи бўлиб етиб келадиган шифокорлардан биттаси Зайдулла ака бўлади. Ишга нисбатан масъулият билан қараш, бугунги ишни эртага қолдирмаслик, беморнинг дилини ҳеч қачон оғритмаслик бу шифокорнинг ҳаётий шioriдир. Шунинг учун ҳам бу ерда ўқув жараёнини амалга ошираётган талаба ва магистрантлар, даволанувчи беморлар устоз шифокорнинг худди шу сифатларини эътироф этишади.

**Беморга меҳр бермоқ, унинг дардини тинглаш, қўлидан келган ёрдамни дариг тутмаслик, кўнглини кўтариш, таскин ва далда... шифокор учун энг зарурий сифат бўлиши керак, шундагина у Зайдулла Еримбетов каби беморлар, ҳамкасблар, шогирдлар қалбини забт эта олади.**

**Хулқар КУЗМЕТОВА.**  
Сурат муаллифи **Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

### Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан аҳоли соғлигини мустақамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун

БУЮРАМАН

Куйидагилар “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлансин:

**1. Нагметуллаев Фазылбек Убайдуллаевич** – Қораўзақ туман тиббиёт бирлашмаси фельдшер

**2. Утеева Венера Муратовна** – Қорақалпоғистон Республикаси ОИТСга қарши курашиш маркази тахсис лабораторияси мудири

**3. Тугелова Бибимариям Турсиновна** – Тахтақўпир туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири

**4. Абдиманов Бахыт Тлемисович** – Қорақалпоғистон Республикаси “Саломатлик-3” лойиҳаси бюроси директори

**5. Базарбаева Багим** – Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази Қорақалпоғистон филиали бош ҳисобчиси

**6. Жалекеева Перуза Абдреймовна** – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъат котибаси

**7. Абдурахмонова Фаридохон Насиридиновна** – Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими вақти

**8. Дехқонов Мўминжон Ҳосилович** – Андижон вилоят тери-таносил касалликлари диспансери услубий бўлим мудири

**9. Зулунов Маҳаммадхон Аҳмадович** – Андижон вилоят силга қарши кураш диспансери бош вақти

**10. Маматова Рана Ринатовна** – Андижон вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокори

**11. Тешабаев Гулам Муталибжонович** – Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил қилиш бўлими бошлиғи

**12. Эргашев Аҳмадилло Абдулазизович** – Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохонаси 3-бўлим шифокори

**13. Юлдашев Аҳмадилло Абдуганиевич** – Андижон вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи

**14. Мирзааҳмедова Малика Маннаповна** – Андижон вилоят тиббий реабилитация поликлиникаси бош вақти

**15. Раҳмонова Нигора Ахтамовна** – Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси «Чўғалон» қишлоқ врачлик пункти шифокори

**16. Тўхтаев Зойир Бахронвич** – Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар касалхонаси шифокори

**17. Сатторова Венера Саломовна** – Бухоро вилоят перинатал маркази директори

**18. Ходжаев Комил Шарифович** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали 1-хирургия бўлими мудири

**19. Мирзоев Ойбек Мусоевич** – Бухоро вилоят Давлат

санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачининг санитария-гигиена масалалари бўйича ўринбосари

**20. Обидова Райхон Эргашевна** – Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири

**21. Худоярова Гульбахор Яхьяевна** – Бухоро вилоят “Болалар уйи” ҳамшираси

**22. Бақоев Субҳон Раҳмонвич** – Соғлиқни сақлаш фахрийси

**23. Хасенова Махим Рузиниёзовна** – Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази Бухоро бўлими бошлиғи

**24. Икромов Баҳром** – Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси “Боғзор” қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

**25. Якубов Мелитожи Юсупович** – Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Жиззах филиали директори

**26. Каримова Раҳбарой** – Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази педиатри

**27. Мухторов Асатилла** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали врач-оториноларингологи

**28. Комилов Фулом** – Қашқадарё вилоят эндокринология диспансери шифокори

**29. Шерова Вазира Темиргалиевна** – Қашқадарё вилоят қон хизмати маркази шифокори

**30. Эгамшукуров Абдумалик Бердиевич** – Деҳқонобод туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

**31. Аймуратова Холиниса Баймаматовна** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали катта ҳамшираси

**32. Мейлиев Содик Муҳаммадиевич** – Яккабоғ туман тиббиёт бирлашмаси шифокори

**33. Каримова Мавлюда Азимовна** – Китоб туман туғруқ комплекси бош вақти

**34. Муродов Файрат Тухтарович** – Қашқадарё вилоят 1-сонли асаб-руҳий касалликлар диспансери бош вақти

**35. Холиқов Тўракул** – Қашқадарё вилоят онкология диспансери бош вақти

**36. Рузиев Эроли Байкабиллович** – Қарши шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиология бўлими мудири

**37. Саттаров Алим** – Қашқадарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси шифокор-инфекционисти

**38. Бахронов Ўткир Шодиевич** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали директорининг фан ва кадрларни тайёрлаш бўйича ўринбосари

**39. Асатов Шавдир Сидикович** – Навоий шаҳар 3-сон оилавий поликлиника бош вақти

**40. Ботирова Иқлима Азимовна** – Навоий вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори

**41. Шатова Лола** – Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳайъат котибаси

**42. Муҳаммадиева Азиза Асқаровна** – Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўйича бош мутахассиси

**43. Аблакулова Инабат Яркуловна** – Кармана туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири

**44. Зайнидинов Усмонжон Ғайбидинович** – Наманган вилоят кардиология маркази поликлиника бўлим бошлиғи

**45. Файзиева Шоира Меҳмоноевна** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали шифокори

**46. Тўхтаева Хатичахон Абдувалиевна** – Чортоқ туман марказий шифохонаси дорихона мудири

**47. Ҳамидов Раҳматилла** – Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси шифокори

**48. Дивеева Елена Радиковна** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали шифокори

**49. Ахроров Абдурауп Асламович** – Ургут туман тиббиёт бирлашмаси шифокори

**50. Тураев Юлдаш Акмалович** – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бўлим бошлиғи

**51. Ашуров Абдуҳалим Аҳмедович** – Самарқанд туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори

**52. Саломов Иноят Тагирович** – Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази консультант педиатри

**53. Қаюмова Ойдин Нематовна** – Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бош фармацевти

**54. Муратова Сание Рашидовна** – Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлим мудири

**55. Хамраева Лола Қаҳҳоровна** – Самарқанд шаҳар 3-сон туғруқ комплекси бош вақти

**56. Алламуратова Зулфия Сабиловна** – Сирдарё вилоят перинатал маркази шифокори

**57. Кипчаков Исмолидин Анорхожаевич** – Ховос туман тиббиёт бирлашмаси “Карвонсарой” қишлоқ врачлик пункти мудири

**58. Қўзибаева Хурсаной Сайфуллаевна** – Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмаси “Қаржой” қишлоқ врачлик пункти мудири

**59. Хайдаров Дауылбай** – Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри сил касалликлари диспансери бўлим бошлиғи

**60. Мамадалиева Муборак Мусаевна** – Музработ туман тиббиёт бирлашмаси “Кўнғирот” қишлоқ врачлик пункти мудири

**61. Нурова Зоя Рамазановна** – Республика шешилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали тез тиббий ёрдам бўлими мудири

**62. Одинаев Рустам Урунович** – Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг иқтисодиёт ва умумий ишлари бўйича ўринбосари

**63. Чариев Урал Шаймович** – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат инспекцияси Сурхондарё вилояти бўйича бош назоратчиси

**64. Примов Шарифжон Ҳасанович** – Паркент туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тез ёрдам бўлими шифокори

**65. Олимова Анорой Комаловна** – Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази жонлантириш бўлими шифокори

**66. Эрматов Икром Маҳкамович** – Оҳангон туман тиббиёт бирлашмаси умумий хирургия бўлим мудири

**67. Бердикулов Эркин Балтабаевич** – Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими мудири

**68. Сеитджелилова Гулнара Энверовна** – Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси 1-терапия бўлими мудири

**69. Саматова Турсуной Абдукаримовна** – Тошкент вилоят шошилинч тиббий ёрдам маркази хирургия бўлими хоналар ҳамшираси

**70. Гаитова Дильбар Яминжановна** – Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази маслаҳат-поликлиника мудири

**71. Варисова Максуда Азизовна** – Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси “Назарбек” қишлоқ врачлик пункти мудири

**72. Абдурахмонов Улуғбек Абдуқодирович** – Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бўйича бош мутахассиси

**73. Абдурахимов Марипжон Убраҳимович** – Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг иқтисодий ва умумий масалалар бўйича ўринбосари

**74. Кабилова Дилшада Камилловна** – Қўқон шаҳар шешилинч тиббий ёрдам маркази дорихона мудири

**75. Исмоилова Муҳабат Маҳкамовна** – Фарғона туман “Каптархона” қишлоқ врачлик пункти мудири

**76. Қаюмов Файратшер Олимович** – Фарғона вилоят стоматология шифохонаси бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

**77. Ҳамралиев Исмоилжон Бакирович** – Олтиариқ туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори

**78. Абдуллаева Шоирахон Тойировна** – Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси қабул бўлими катта ҳамшираси

**79. Исмоилова Гулчехра Мухторовна** – Фарғона вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳамшираси

**80. Дадабойева Захида Насировна** – Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар ва чақалоқлар хирургияси бўлими катта ҳамшираси

**81. Жуманов Собитали** – Республика ўлат, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази Фарғона филиали бошлиғи

**82. Курбанов Отаназар** – Боғот туман тиббиёт бирлашмаси “Деҳқонобод” қишлоқ врачлик пункти лаборанти

**83. Пирязова Тўхтажон Бекметовна** – Қўшқўпир туман тиббиёт бирлашмаси “Котогон” қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси

**84. Рузметов Худайберди Оллаберганович** – Хоразм вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази дезинфектори

**85. Киличов Бахтияр Сабирович** – Хива туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудири

**86. Жаббарова Гулбахор Бекчановна** – Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлим мудири

**87. Исабеков Ботирбек Абдулла ўғли** – Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг умумий масалалар бўйича ўринбосари

**88. Бабаханова Наргис Ибрагимовна** – Тошкент шаҳар 4-сонли силга қарши курашиш диспансери болалар бўлими мудираси

**89. Муҳидова Надира Адилжановна** – Тошкент шаҳар Сергели туман тиббиёт бирлашмаси марказий кўптармоқли поликлиникаси умумий амалиёт шифокори

**90. Расулова Маҳфуза Ҳабибуллаевна** – Тошкент шаҳар болалар сил касаллиги шифохонаси бўлим бошлиғи

**91. Қаландарова Лола Нуриллаевна** – Тошкент шаҳар силга қарши диспансер бош шифокори

**92. Азимова Василя Джаббаровна** – Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси бўлим мудири

**93. Юсупов Қадиржон Абдусаттарович** – Андижон Давлат тиббиёт институти Ю. О. Отабеков номли клиникаси бўлим мудири

**94. Тухтаев Қадир Рахимович** – Тошкент тиббиёт академияси гистология ва тиббий биология кафедраси профессори

**95. Якубов Абдуҷалол Ваҳабович** – Тошкент тиббиёт академияси клиник фармакология кафедраси мудири

**96. Дусматов Азиз Файзатович** – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фармацевтика соҳасига халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

**97. Болтабоева Гулчехра Эркиновна** – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси мудири

**98. Нуриддинова Нозима Рамизовна** – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Вакцина, зардоб препаратлари

(Давоми 7-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

### Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

ва микробиологик таҳлил лабораторияси мудири

**99. Муталова Зулхумор Джалаловна** – Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти директори

**100. Кадирова Мархаба Аббаровна** – Республика ихтисослаштирилган суяк-йиринг хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази ҳамшираси

**101. Мирпаязов Алавиддин Хобибуллаевич** – Республика болалар ортопедия маркази бўлим мудири

**102. Дурсунов Ахмат Маликшаевич** – Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти лаборатория мудири

**103. Мамарахимов Каримжон Бувараймович** – Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачининг эпидемиология масалалари бўйича ўринбосари

**104. Мунинов Абдурашид Кадирович** – Республика нейрохирургия илмий маркази 7-нейрохирургия (шошилич) бўлими шифокор-нейрохирурги

**105. Абидов Алишер Матлабходжаевич** – Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, клиника бош шифокори

**106. Сайдиганиева Суррайя Хамидуллаевна** – “Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази” очик акциядорлик жамияти шифокор-офтальмологи

**107. Султанов Дониёр Санъонович** – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси анестезиология ва реанимация бўлими мудири

**108. Солиев Турсунхўжа Холхўжаевич** – “Республика ихтисослаштирилган урология маркази” акциядорлик жамияти 3-урология бўлими мудири

**109. Насиров Фурқат Рауфович** – “Республика ихтисослаштирилган урология маркази” акциядорлик жамияти операция бўлими мудири

**110. Шукуров Равшан Тулкинович** – “Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази” очик акциядорлик жамиятининг даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари, бош шифокори

**111. Маҳмудова Жамила**  
(Давоми. Боши 6-бетда).

**Хамидуллаевна** – Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази қабулхона шифокори

**112. Алимова Умида Зайнутдиновна** – Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси витреоретинал ва офтальмодиабет бўлими мудири

**113. Умарова Гулнора Касымовна** – Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси бўлим мудири

**114. Ходжаниязов Фархат Балтаевич** – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори

**115. Тарасова Наталья Викторовна** – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-лаборант

**116. Султанова Робия Бахритдиновна** – Республика 2-сон клиник шифохонаси катта ҳамшираси

**117. Ташбеков Баҳодирбек Умарович** – Республика онкология илмий маркази маслаҳат поликлиникаси мудири

**118. Ражабов Гулом Хурсанович** – Республика ОИТСга қарши кураш маркази директорининг ўринбосари

**119. Исаева Гулнора Нигматовна** – Республика ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудири

**120. Бекметова Мубарак Йулдашовна** – Республика ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудири

**121. Нурматов Вахид Халматович** – Республика ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудири

**122. Джубатова Роза Спановна** – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бўлим раҳбари

**123. Акалаев Рустам Нурмухамедович** – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бўлим раҳбари

**124. Юнусова Зулхумор Джумабаевна** – Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти клиникаси врач-гематологи

**125. Дунгбаев Джалол Пирназарович** – 1-сонли Республика клиник шифохонаси бўлим мудири

**126. Самигов Нодир Камиллович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси бошлиқ ўринбосари

**127. Курбанова Саида Муджадитовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги

тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий клиник шифохонаси бўлим мудири

**128. Джураев Эркин Юлдашевич** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий клиник шифохонаси бўлим мудири

**129. Ходжабаева Раъно Файзуллаевна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий поликлиникаси катта ҳамшираси

**130. Алиева Шаҳзаде Хакимовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий поликлиникаси шифокори

**131. Фозиев Сойибжон Орижонович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси санитария-эпидемиология станцияси бўлими мудири

**132. Файзиёва Динара Вахидовна** – “Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази” очик акциядорлик жамияти шифокори

**133. Вахидова Дильбар Джураевна** – “Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази” очик акциядорлик жамияти шифокори

**134. Убайдуллаева Азада-хон Норходжаевна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий консультатив-диагностик поликлиникаси ҳамшираси

**135. Усмонова Паризод Абдикаюмовна** – Болалар суяк сили санаторийси бош врач ўринбосари

**136. Шадиходжаев Хусниддин Хафизович** – Ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш маркази мутахассиси

**137. Рахимов Хомид Мамажонович** – Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси 2-бўлим бошлиғи

**138. Кучқоров Исмаи Рахматович** – Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси “Тиббий захира омбори” омбор мудири

**139. Рузметов Улуғбек Авазметович** – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали кафедра мудири

**140. Халилова Алие Эмирасановна** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бўлим мудири

**141. Еникеева Зифа Хусай-**

**новна** – Республика перинатал маркази бош дояси

**142. Кодиров Хамрокул Кодирович** – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

**143. Сарқарова Саломатхон Абдурахимовна** – Соғлиқни сақлаш ходимлари Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

**144. Бабаназаров Полат Ережепович** – Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

**145. Аҳмедова Мадина Садуллаевна** – Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири

**146. Громова Галина Петровна** – Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси туғруқ бўлими мудири

**147. Усманов Алишер Джурабаевич** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси Жиззах вилояти бўйича бошлиғи

**148. Норкулов Авлоберди Назарович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси Қашқадарё вилояти бўйича бош назоратчиси

**149. Иброҳимов Раҳматулло Иброҳимович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси Навоий вилояти бўйича етакчи назоратчи-хуқуқшуноси

**150. Ахунوف Рустам Сабинович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси Фарғона вилояти бўйича бош назоратчиси

**151. Мирзанов Усмон Хўрозович** – Дўстлик тиббиёт коллежи ўқитувчиси

**152. Аҳмеджанов Исмоил** – Самарқанд Давлат тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси профессори

**153. Хикматуллаева Дилбар Нигматовна** – У. К. Курбанов номидаги болалар руҳий-асаб касалхонаси бўлим мудири

**154. Вахабова Лаълихон Мирвасиковна** – Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири

**155. Менлимуратов Пароҳат Тлеумуратович** – Тошкент

педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали кафедра мудири

**156. Шаназаров Асемадин** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали кафедра ассистенти

**157. Кудайназарова Зинехан Байжигитовна** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали кафедра ассистенти

**158. Шарипов Алишер Мирхамидович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти шошилич педиатрия кафедраси мудири

**159. Мухамедов Собир Шакирович** – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази иқтисод ва тарифлар бўлими бошлиғи

**160. Хашимов Шухрат Хуршидович** – Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази клиникаси бош врач

**161. Абдуллаева Дилрабо Абдиазизовна** – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлими грант раҳбари

**162. Аҳмедова Муборак Аҳмедовна** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори

**163. Гулямов Суръат Сайидвалиевич** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий ишлар бўйича проректори

**164. Кудайберганов Абдулалол Абдурахманович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори

**165. Таджиев Ботир Мирхамидович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти II педиатрия факультети декани

**166. Хаитов Кахрамон Нажмитдинович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти тиббий педагогика ва даволаш иши факультети декани

**167. Валиев Абдусамат Разакович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистратура бўлими бошлиғи

**168. Юрина Галина Петровна** – Республика 2-сон клиник шифохонаси 2-сон поликлиникаси мудири

Вазир

А. АЛИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2014 йил 31 октябрь.

## Дил изҳори

### ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

Дунёда шундай касб эгалари борки, биз улар олдида бош эгиб таъзим қилгимиз келади. Инсон ҳаёти қил устида турган бир пайтда наҳот бахш этгувчи бундай касб эгалари шифокору ҳамширалардир. Қизим Хуршида Қўчқоровани ҳаётга қайтарган фидойи тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорлигимни кўзимдаги секин ёшлари билан йўлламоқдаман.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов, Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Усмонов, Навоий вилоят перинатал маркази директори Фарход Гафоров ва унинг жамоаси, малакали шифокор Шокир

Жўракулов, Кармана туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аҳад Авезов, реанимация бўлими мудири Ғайрат Ризаев ҳамда шу бўлим ходимлари, 1-туғруқ бўлими мудири Ойибди Нурматов, 2-туғруқ бўлими мудири Муаззам Бозороваларга қизим Хуршида Қўчқорованинг соғлигини тиклаб, оиласи бағрига қайтишида ёрдам берганлиги учун Тиббиёт ходимлари куни байрами билан чин қалбимдан табриклаб, уларнинг машаққатли ва шарафли касбий фаолиятларига омад, оилаларига тинчлик, соғлиқ тилаб қоламан.

Сувон ҚўЧҚОРОВ.  
Навоий вилояти.

### БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Республика нейрохирургия илмий марказида фаолият юритаётган мутахассислар ўзларининг билим ва тажрибалари билан қанчадан-қанча беморлар ҳаётини сақлаб қолмоқдалар. Куёвим Аҳмаджон Зуфаровнинг бош мия қисмида икки марта мураккаб операция жараёни муваффақиятли амалга оширилди. Аҳмаджоннинг ҳаётга қайтишида бор касбий маҳоратини ишга солган марказнинг тажрибали нейрохирурги Равшанбек Қодирбеков ҳамда анестезиолог Темур Умаровларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Аввало, халқимиз саломатлиги йўлида ана шундай малакали кадрларни тайёрлаб, уларга кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам миннатдорлигимизни билдираман.

Юқорида номлари тилга олинган малакали шифокорлар Равшанбек ҳамда Темур, шунингдек, марказ раҳбариятига ташаккуримни изҳор этиб, касб байрамлари билан табриклаб қоламан.

Тамара КАМОЛОВА,  
Тошкент шаҳри.

## Эътироф

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Давлатимиз томонидан тиббиёт ходимлари меҳнатига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ана шу соҳа мутахассисларининг ўз касбига бўлган меҳрини ошириб, янада иштиёқ билан ишлашга ундаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Буни Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мисолида ҳам ҳис қилишимиз мумкин.**



Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлиб келмоқда. Тизимни ислоҳ қилишга қаратилган Давлат дастурларида белгиланган тадбирларнинг изчил ижроси натижасида халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича юқори натижа-

ларга эришилмоқда. Ягона стандартлар асосида фаолият юритувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туманларда тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди, жумладан, Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонасида ҳам мазкур стандартлар қўлланилмоқда. Жойларда замонвий тиббий диагностика марказлари ишга туширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш тизимдаги ислохотларнинг устувор йўналишига айлиниб, 2009-2013 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури ижрога йўналтирилиб, бу борада ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи кенгайди. Ушбу шифо масканларида мураккаб операция жараёнлари юксак технологияларга асосланган ҳолда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда эпидемиологик барқарорлик сақланиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу борада мураккаб вазият юзага келиб турганига қарамай, мамлакатимизга хавfli юқумли касалликлар кириб келишининг олди олинмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сен-

тябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада ривожлантириш ва тиббий хизматни халқимизга яқинлаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши, ҳар бир шифо маскани қошида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиниши натижасида шифокорларнинг ойлик иш ҳақлари оширилди.

Касб байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлаётган шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси ходимлари бундай ишончли оқлаш мақсадида педиатрияга оид Давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, профилактика тадбирлари кўламини кенгайтириш ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаол иш олиб бормоқдалар. Шифохонамизда асосан тиббий ёрдам юқори технологик стандартлар асосида йўлга қўйилган. Шу кунга қадар 17298 нафар бемор бола даволаниб, соғломлаштирилди. Бундан ташқари, оналарни даволаш учун ҳам шароитлар яратилган бўлиб, жорий йилда 1516 онанинг соғлиғи яхшиланди.

**Кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан тиббиёт ходимлари меҳнати кўллаб-қувватланаётганлиги уларнинг унумли фаолият кўрсатишларига имкон яратмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни касб байрамлари билан чин қалбимдан қутлайман. Уларга халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларида зафарлар ёр бўлсин!**

**Мавлуда ТАБИБОВА,**  
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси бош шифокори, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси.

## МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО И ОБМЕН ОПЫТОМ

**Сегодня в Научно-исследовательском институте травматологии и ортопедии находится делегация врачей травматологов-ортопедов, ученых – представителей государственных и частных клиник из Южной Кореи и Индии.**

Делегация прибыла в Узбекистан по вопросам государственно-частного партнерства в здравоохранении. Сегодняшнее мероприятие призвано стать площадкой для обмена опытом и определения направлений сотрудничества. Участники делегации познакомятся с происходящей в Узбекистане глобальной реформой в здравоохранении, в том числе с успехами нашего института, которых добились ученые научно-исследовательского института травматологии и ортопедии.

В нашей стране за время независимости происходила масштабная перестройка, которая обеспечила равный доступ всего населения к медицинским услугам, дает право выбора медицинского учреждения, устраняет территориальную прикрепленность к определенной больнице. Повышается интерес к сфере здравоохранения со стороны бизнеса. Определенную часть медицинского обслуживания занимают частные клиники и поликлиники. Такая тенденция способствовала улучшению качества медицинской помощи населению, обогащению медицинской современной технологией, совершенствованию вопросов международного сотрудничества и обмена опытом.

Сегодня мы, врачи Узбекистана, Южной Кореи и Индии,

решили обмениваться опытом и научными мнениями. Ученые гости сегодня у нас консультируют наших больных, участвуют в операциях и оперируют. Планируются доклады корейских ученых для наших специалистов. Для обсуждения актуальных вопросов травматологии и ортопедии приглашены не только наши сотрудники, но и специалисты почти из всех медицинских учреждений нашего профиля. Темой докладов являются актуальные проблемы травматологии и ортопедии – вопросы диагностики и лечения травм и заболеваний опорно-двигательного аппарата; внедрение новейших средств остеосинтеза; эндопротезирование и эндоскопии крупных суставов; хирургии позвоночника; проблемы детской травматологии и ортопедии и другие актуальные проблемы травматологии и ортопедии.

Мы, в свою очередь, ознакомили гостей с краткой характеристикой развития травматолого-ортопедической науки и практики в Узбекистане за годы реформ. Несмотря на трудности переходного периода, кадровый и исследовательский потенциал страны, в том числе института, удалось сохранить и приумножить. Проведенные в системе здравоохранения Узбекистана реформы с созданием Центров экстренной медицинской помощи позволили коренным образом решить одну из сложнейших

проблем – проблему лечения тяжелых множественных и сочетанных повреждений опорно-двигательного аппарата. Учеными страны разработано множество высокоэффективных методик лечения переломов костей и ортопедических заболеваний.

Особенностью последних лет было широкое внедрение многих современных зарубежных технологий диагностики переломов и заболеваний костей и суставов, таких как КТ, МРТ, УЗИ-сканирование, эндопротезирование, артроскопия, а также эффективных методик оперативного лечения – эндопротезирование крупных суставов, транспедикулярная фиксация, блокируемый остеосинтез и другие. Это явилось причиной улучшения качества диагностики и лечения травм и ортопедических заболеваний в крупных научных центрах республики.

Ознакомили с итогами научных исследований, проведенных травматологами-ортопедами Узбекистана за последние годы и их практическими результатами.

Совместно мы можем намечать пути дальнейшего развития отрасли и определять перспективные направления научных исследований на последующие годы. С большим интересом ожидаются выступления наших зарубежных гостей, которые несомненно будут способствовать обогащению научных знаний и практических навыков травматологов-ортопедов нашей страны.

НИИ травматологии и ортопедии в последние годы превратился в одно из ведущих научных учреждений республики. Благода-



ря самоотверженной работе коллектива института успешно внедрены в медицинскую практику сложнейшие операции эндопротезирования крупных суставов, блокируемого остеосинтеза при переломах костей, операций на позвоночнике, в т.ч. при сколиозе. Институт стал одним из пионеров в изучении проблемы века – остеопороза, внедрил новые методики диагностики, такие как рентгеноденситометрия, сонодиагностика крупных суставов и доплерография, компьютерная дозиметрия и другие. Сотрудники института прошли стажировку в ведущих учреждениях зарубежных стран. Многие современной диагностические исследования и оперативные вмешательства, которые совсем недавно казались недоступными, в настоящее время стали обыденными и для нашего населения, и для специалистов института.

Министерство здравоохране-

ния оказывает всемерную поддержку в стремлении коллектива института превратить НИИТО МЗ РУз в передовой центр по своей специальности. Например, в этом году правительством выделены финансовые средства на сумму более 1,5 млн долларов для приобретения для института современного лечебно-диагностического оборудования, в том числе МРТ, МСКТ, цифровых рентгеновских аппаратов и другие. Эта тенденция будет продолжена и дальше.

**Мы думаем, что сегодняшнее мероприятие будет способствовать улучшению качества оказания медицинской помощи нашему населению.**

**Умида РУСТАМОВА,**  
руководитель рентгенодиагностического отделения НИИ травматологии и ортопедии МЗ РУз.

## Дил сўзлари

## ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Шифокорнинг қадр-қиммати ва муваффақияти унинг камтарлиги, касбига меҳри ҳамда садоқати бемор билан чиройли муносабат ўрнатиши орқали намоён бўлади. Эл назарига тушиб, қанчадан-қанча беморлар дуосини олиш бахтига муяссар бўлган тажрибали гематолог-шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Зулхумор Юнусова ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Шу боис, тахририятимизга муштариолар томонидан Зулхумор опанинг фаолиятларини кенг ёритишимизни сўраб кўнғироқлар ва миннатдорлик мактублари келиб туради. Табиийки, шифокоримизнинг асосий вақти беморлар билан ўтади, дилдан суҳбатлашишга эса имконияти бўлмайди. Лекин шунга қарамай Зулхумор опага қачон мурожаат қилмайлик, у киши муштариоларимизнинг саволларига эринмасдан, ҳаётини мисоллар асосида жавоб бериб, қимматли маслаҳат ва тавсияларини аямасдан ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашадилар. Халқимизда “Халоллик мартабани безайди”, деган гўзал ибора ҳам гўёки Зулхумор Юнусова номига айтилгандек жаранглайди.

Тахририятимизга Наманган вилоятидан мурожаат қилган бемор Бобур Юсуфжонов шифокорлар ҳақида гапирар экан, яқиндагина оғир дардни бошидан кечириб ҳаётга қайтганлигини тилга олади.

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида малакали шифокор Зулхумор Юнусованинг ширинсуханлиги, инсонларга қилаётган муомала-маданияти тезда тузалиб кетишимга имкон берди. Чунки, инсонни аввало ширинсўз, кейин эса тиббий муолажа билан даволаш мумкинлигига яна бир қара амин бўлдим, – дейди Бобур Юсуфжонов.

Тошкентлик Камола Каримова кўп бора даволаниб, бир ахволда Зулхумор Юнусованинг олдида келди. Шифокор касаллик тарихини чуқур ўрганиб, қатъий хулоса қилди ва аниқ ташхис қўйди.

Зулхумор Юнусова касбини шунчалик қаттиқ эъозлайдики,

таваккалчиликка асло йўл қўймайди. Ишини ипидан игнаси-гача билиб қилади.

Яқиндагина қувончли бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Сурхондарёлик Гулмира Соатова фарзандига яхши ниятлар билан Зулхумор деб исм қўйибди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Гулмирани яшашга, оиласи ва фарзандлари даврасига қайтиб бахтиёр она бўлишига туртки бўлган Зулхумор Юнусовага нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг чексиз ифодасидир, деб эътироф этиш мумкин.

Фаргона вилоятидан Нилуфар Одилова, Андижондан Зафар Тўраевлар тиббиёт ходимларининг касб одоби ва камтарлигини Зулхумор опа тимсолида эътироф этадилар.

Камтарлик, камсуқумлик ва касб одоби ҳар қандай шифокорнинг асосий вазифаси, шори бўлмоғи лозим, – дейди Зулхумор Юнусова. – Бу ҳақда шогирдларга, эндигина

тиббиёт остонасига қадам қўяётган ёшларга доим уқтириб келаемиз.

Хоразмлик бемор Дониёр Курбонов, самарқандлик Наргиза Ибрагимова Зулхумор опадаги талабчанлик қобилиятига алоҳида урғу берадилар. Бўлимда беморлар сони кўп. Аммо ҳаммаси билан қатъий тартиб асосида ишлаш Зулхумор Юнусовани чарчатмайди. Чунки, унда ўз-ўзига, масъулиятли ишига нисбатан талабчанлик шижоати бор. Табиийки, бу унинг янада самарали ва ишонч билан ишлашини таъминлайди. Дониёр Курбоновнинг қон таркибидаги жиддий ўзгариш уни тамомила ноумид қилиб қўйган эди. Зулхумор опанинг яна бир фазилати – беморларни ҳам ўз-ўзига талабчан бўлишга ундайди. Дониёр ҳам қатъий талаб ва назорат остида соғлигини тиклашга эришди. Ҳаётга ишончи ва умиди ортди.

Бухоролик Хусан Жўраев, Тошкент вилоятидан Холмамат Элмуродов ёзган мактубда Зулхумор Юнусованинг ҳар бир бемор учун масъулият билан, ҳатто кечани кеча, кундузни кундуз демай қайғуришларини ҳаётини мисолларда баён этишган. Хусан Жўраев шифокорнага мурожаат қилганда, ахволи оғир бўлган ва унга шифокорлар томонидан шошилиш ёрдам кўрсатилган. Айниқса, Зулхумор опа беморни диққат билан ўрганиб, унга тезкор даво муолажаларини қўллаган. Ўтказилган текширувлар хулосасига қараб беморга аниқ ташхис қўйишга муваффақ бўлган.

– Худди шу куни Зулхумор опанинг туғилган кунлари экан. Аҳволим яхши эмаслигини кўриб, ҳатто уйларига кетишга



Зулхумор Юнусова устози – волидаи муҳтарамаси билан иш устида.

шошилмадилар. Кўнғироқ устига кўнғироқ, табриклар Зулхумор опани заррача қувонтира олмаслиги шундоққина юзларидан сезилиб турарди. Шунда хижолат чекиб, опадан аҳволим нисбатан яхшилиги ва интизор кутаётган оиласи, меҳмонлари даврасига боришларини илтимос қилдим. Аммо Зулхумор Юнусова байрам, шодиёнадан кўра бемор тақдири, унинг саломатлиги муҳимлигини таъкидладилар. Бу шифокорнинг чинакам жасорати эмасми? – дейди Хусан Жўраев.

Бухоролик Санжар Сафаров қон касаллигига чалингандан ке-

йин узоқ вақт фарзандли бўла олмай юрди. Аммо уни бу дард ҳаётга бўлган умидини сўндира олмади. Чунки, атрофида ҳали самимий, меҳрибон ва ширинсўз инсонлар борлигига ишонди ва бу амалда ўз исботини топди. Шифохонага келган кунидан бошлаб, Зулхумор Юнусованинг доимий назорати ва эътиборида бўлди. Яқинда Санжар Сафаров оиласида фарзанд дунёга келди. Бундан мамнун бўлган оила аъзолари тахририятга мактуб йўллаб, Зулхумор Юнусованинг фаолиятларини газетамиз орқали кенг-роқ ёритишимизни сўрашган.

Албатта, орамизда эл дуосини олиб, касбидан ўз бахтини топаётган тиббиёт ходимларимиз кам эмас. Улар ҳақида қанча кўп ёзмайлик, меҳнатларини эътироф этмайлик, озлик қилади. Мақоламиз қаҳрамони Зулхумор Юнусова ҳам юқорида эътироф этилганидек, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор шифокорларимиздан биридир. Шу боис, ўз касбининг фидойиси бўлган Зулхумор опанинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларига улкан зафарлар тилаб, байрамингиз муборак бўлсин, азиз тиббиёт ходимлари, деймиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

## САНОАТ ФАРМАЦИЯСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Шу йилнинг 11-12 ноябрида Тошкент фармацевтика институтида бўлиб ўтадиган республика илмий-амалий анжумани материаллари мундарижаси Ўзбекистонда доришунослик соҳасининг ижтимоий-маърифий, ўқув услубий ва илмий фаолиятининг ўзига хос умумлашмаси, яқини ҳисобланади. Шу сабабли бўлиб ўтадиган анжумани фармацевтика фани муаммолари, эришилган ютуқлари ҳақидаги сарҳисоб деса бўлади.

Етти қисмдан иборат анжуман материалларининг биринчи қисми “Дори воситаларининг сифат назорати, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” деб номланган. Мазкур китобнинг биринчи саҳифасида замонавий фармацевтика фани тараққиётига буюк Абу Али ибн Сино меросининг жавобларини асос бўлгани, ажодларимиз тўплаган даволаш усуллари, дори-дармонлар асрлар давомида сайқалланиб, тажрибалардан ўтгани, халқ табобатчилигида донишмандликнинг битмас-туганмас манбалари мавжудлиги таъкидланади. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон доривор ўсимликлар тўпланган бой ҳудуд бўлиб, унинг табиий флорасида 4230 та ўсимлик тури мавжуд. Шундан 577 таси доривор ҳисобланади. Муаллифларнинг таъкидлашича, Ибн Сино ўрганган ўсимликларнинг қўллаш диапазони жуда кенг, уларни замонавий фан ютуқлари билан бойитиш, биологик фаоллигининг янги қирраларини очиш ва янада самаралироқ дори воситалари яратиш мумкин. Биринчи қисмда Ўзбекистонда кўп миқдорда етиштирилаётган топинамбур ўсимлигидан ноёб бирикма – инулинни тоза ҳолда ажратиш олиш муаммоси, организм учун зарур

бўлган микроэлементларнинг координатсион бирикмалари синтези, ўсимлик асосида олинган дори воситаларини стандартлаштириш, маҳаллий хом ашёлардан гемореологик препаратлар, энтеросорбентлар яратиш, қон таркибидаги захарли моддаларни ажратиш олиш ва таҳлил қилиш каби бошқа материалларни ўз ичига олади.

Китобнинг иккинчи қисми фандаги ва амалиётдаги миллий дори сиёсатининг устувор йўналишларига бағишланади. Унда фармацевтика соҳасини инновацион-инвестицион қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда патентқидирув ишларининг аҳамияти, турли дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлили ўрин олган.

Учинчи қисм саноат фармацевтика йўналтирилган бўлиб, унда дори субстанцияси ва турларининг саноат технологияси муаммолари, ишлаб чиқаришга маҳаллий хом ашёларни жалб этиш, фармацевтикадаги нанотехнология, дори воситаларининг биосамарадорлиги ва бошқа материаллардан иборат.

Фармацевтикадаги маркетинг ва менежмент китобнинг тўртинчи қисмида акс эттирилган. Мазкур бўлимдаги материаллар фармацевтика бозоридаги конъюктурани баҳолаш, дорихоналарнинг

моддий-техник базаси ва иш фаолияти, дори бозоридаги дори воситаларининг хариди, ишлаб чиқарилаётган тиббий буюмлар маркетингининг таҳлили ва бошқа долзарб муаммоларга бағишланган.

Анжуманининг махсус бешинчи бўлими “Фармацевтик таълимдаги ислохотлар: ютуқлар, муаммо ва истиқболлар” деб номланган. Мазкур қисмда ўқув жараёнига модуль тизмини жорий этиш силлабусдан бошланиши, инглиз тилини ўқитишнинг устувор муаммолари, замонавий услубларига қамраб олинган. Унда соғлом авлод тарбияси, замонавий таълим ва ёш авлод иқтидори, ўқитиш тизимида экологик маданиятни шакллантириш, ахборот хуружи даврида ёшлар хавфсизлигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнида мафқуравий иммунитетни шакллантириш, ўқитиш жараёнида фанлараро боғланиш каби ўта долзарб муаммолар ҳақида, шунингдек, баркамол авлодни юксак ахлоқ-одоб, олижаноблик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалар ўрин олган.

Анжуман материалларининг олтинчи ва еттинчи қисмларида “Янги дори препаратлари ишлаб чиқиш”

ҳамда “Экспериментал ва клиник фармакология” муаммолари ўз аксини топган. Бу бўлимда Тошкент фармацевтика институтида ишлаб чиқилган янги стоматологик пардалар, кетомед гелининг реологик хоссалари, ҳимояловчи крем, сачратқи ўсимлиги илдизидан олинган қуруқ экстракт, аконитдан олинган гомеопатик эритма ва таблеткаларнинг технологияси ҳамда стандартизацияси, турли хил юмшоқ дори турлари, йиғмалар, витилигизга қарши таркибиде мис ва рух сақловчи координацион бирикмалар, комбинацияланган таркибли капсулалар, липосомал суртмалар, оригинал дори воситаларининг фармакологик тадқиқотларига оид турли хил қизиқарли маълумотлар берилган.

Анжуман материалларида келтирилган илмий-амалий фикрлар, қарашлар, хулосалар иштирокчини ўйлашга, ақлни чархлашга, теран мушоҳадага даъват қилади, доришунослик муаммоларига чуқур назар ташлашга, илмий-тадқиқот изланишларининг у ёки бу йўналишларини кашф этишга ундайди, рағбатлантиради.

Анжуман материаллари билан танишар эканмиз, худди унинг иштирокчиларига муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзлари баралла янграётгандек туюлади: “Бизларнинг ота-боболаримиз қолдирган бой илмий-амалий меросни қайта тиклаб, асраб-авайлаб ва замонавий билимлар билан бойитиб, халқимиз соғлигини мустаҳкамлаш йўлида қўллашингиз, ўз имкониятларингизга таяниб иш олиб боришингиз таҳсинга сазовордир”.

Собиржон АМИНОВ,  
Тошкент фармацевтика институти профессори,  
Ўзбекистон фан арбоби.

## Шифокор илҳоми

## УЛУҒВОРЛИКДА ЯГОНА

**Ватан! Нақадар улуг сўз! Менинг қалбимда улкан ва юксак руҳий куч бағишловчи бошқа сўз мутлақо мавжуд эмас. Ватаним Ўзбекистон – таърифи оламга сигмас мўъжиза! Истиклол шарофати билан йигирма уч йил мобайнида юрагининг энг тубида жойлашган ва йиғилаётган шодлик ҳамда севинч дурларини жамласам, фақат битта сўзга жо бўлади. Бу ҳам Ватан!..**

**Сен ҳақингда ўйлайман, Ватан,  
Борлигингни бўйлайман, Ватан,  
Дилдан қониб куйлайман, Ватан,  
Сенга ҳавас, фахрим сен, Ватан!**

**Ҳаётимда умид, таянчим,  
Сенинг бирлан барча қувончим,  
Иқболинга чексиз ишончим,  
Сенга ҳавас, фахрим сен, Ватан!**

**Сенда бордир меҳр-оқибат,  
Инсоф-имон сенга хос, албат,  
Осойишта элга муҳаббат,  
Сенга ҳавас, фахрим сен, Ватан!**

**Гулсан, дурсан, хурсан бекиёс,  
Тантиликда ўзинган, холос,  
Айтганларим эмас эҳтирос,  
Сенга ҳавас, фахрим сен, Ватан!**

Муҳтарам Президентимизнинг юксак минбардан тури: “Мустақиллик биз учун – бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, бекиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш демакдир”, деган сўзларини эшитгач, халқи тарафидан улуғланган фарзанднинг ифтихори, шодлиги, севинчини қалбан англаганим сари, Ватаним, сенга бўлган меҳрим, маърифий, маънавий эътиқодим янада юксалди.

1985 йил

**Шодликнинг барчаси соб бўлди, наҳот,  
Севинчининг илинжи қолди-ку, холос.  
Бўёғи жарлиқми, музликми, ҳайҳот,  
Юртимни кезди-ку ёлғончи, нокас.**

1989 йил

**Кетгин бу манзилдан доғули хилқат,  
Куюш иситмоқда халқим бағрини.  
Бир силтаб покляниш қолди-ку фақат,  
Илик офтоб сезар деҳқон яғрини.**

1990 йил

**Йилларни ғажиган ёлғончи баттол,  
Яшаб бўлди ёлғон алдов кунини.  
Эй маърифий қуллик, чиранма, йўқол,  
Тун ҳам ечиб отди қора тўнини.**

1991 йил

**Безабон, бесамар йиллар бош эгиб,  
Тарихнинг қаърига кетар узоқлаб.  
Халқим руҳияти кескин силқиниб,  
Истиклол куёши чиқди чарақлаб.**

1992 йил

**Салом, эркин фикр, сен буюк неъмат,  
Фикрий тўғонларни ташла синдириб.  
Ғоялар тобланиб, келгин, марҳамат,  
Маърифий қонимиз олсин синдириб.**

2013 йил

**Ҳайрат қуршовида голиб зафаринг,  
Ғурурлар қасрида гўзалдир туйғу.  
Ватан! Сенга олқиш, сенга офарин,  
Она ер бағрида юлдузсан мангу!**

2014 йил

**Ватан! Ифтихорим, гўзалсан яна,  
Қалбимда ягона маърифий бўстон.  
Қонинг бағрида ёрқин намуна,  
Қамалак мисоли, хур Ўзбекистон!**

Иқтисоди, маданияти, жаҳон ҳамжамияти орасида тутган ўрни тобора юксалаётган мамлакатда яшашнинг ўзгача завқи бор. Тўғри-да, ахир, юртимизда тинч-осойишталикда мазмунли ҳаёт кечириш учун барча нарсалар муҳайё. Кўнгида хотиржамлик, фаровон келажакка мустаҳкам пойдевор қўйилган, эртанги кунга ишонч бор, албатта.

**Мен сахийман қондан, қон сенсан Ватан,  
Сендан аямасман буюк сўзимни,  
Қоним ҳар зарраси сенга аталган,  
Яшнамоғинг учун берай ўзимни!**

Ҳа, истиқлол йилларида юртимизнинг ҳар тарафлама чирой очиб, тобора гўзллашиб бораётганлиги бизни янгидан-янги ижод ва бунёдкорлик марраларини эгаллашга илҳомлантирмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай кўнгида ғурур ҳиссини уйғотади.

**Мафтункор юртгинам, осмонинг ёрқин,  
Миннатсиз соф дунё бағрикенглики.  
Шу тупроқнинг ҳар бир зарраси олтин,  
Уммоннинг гавҳари – Ватан меники!**

Муҳтарам Президентимизнинг “Шундай гўзал юртда, шундай ёруғ, мусаффо осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтамыз. ... Ва Оллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас юртда ҳеч ким ҳеч қачон кам бўлмайди, иншоолло”, деган сўзларини ақл кучи ила суғорилган идрокимиз билан чуқур мушоҳада қилайлик. Ахир, шундай обод ва одил, одамлари қалбида инсофу имон маҳкам ўрнашган, ҳатто ихлос билан эксанг қуриган таёқ ҳам япроқ чиқарадиган заминда шукрона айтиб яшаш олий бахт эмасми?! Биз ана шундагина “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган саволга аниқ далиллар асосида жавоб бера оламиз.

Истиклолга эришишимиздан аввал, тиббиёт соҳасида ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп бўлиб, айниқса, шифо масканларида беморлар ва тиббиёт ходимлари учун ҳам зарурий имкониятлар йўқ эди. Бугунги кунда эса тамоман ўзгача манзара. Биргина мисол: мен туғилиб ўсган Қашқадарё вилоятининг Қамаш туман марказий шифохонаси “П” шаклида қурилган кўп қаватли замонавий бинода жойлашган. Барча бўлимларда замон талабларига жавоб берадиган шарт-шароит-

лар мавжуд. Мана, истиқлол шарофати!

1961 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг педиатрия факультетига ўқишга қабул қилинганман. Гуруҳда 15 нафар талаба ўқиганмиз. Тиббиётнинг асоси бўлмиш анатомияни ўрганиш учун бизга академик В. Н. Тонков ёзган китобдан атиги битта беришган. Тасаввур қилинг-а, 1 гуруҳда 1 та китоб. Лекин бир иложини қилиб, бор имкониятлардан фойдаланиб, жуда яхши ўқишга ҳаракат қилганмиз...

Ҳозирги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Чунки, ўқиш-ўрганиш, уқиш ва ижод билан шуғулланиш учун барча шароитлар мавжуд. Фақат хоҳиш, интилиш, истак, орзу-ният ҳамда мақсад талаб қилинади. Мана шундай муҳитда маърифатли, маънавияти юксак, тафаккури тиниқ, комил инсонгина ўз Ватанига сидқидилдан хизмат қилиб, жонажон халқининг чуқур хурматида сазовор бўлади. Бу жиҳат тиббиёт ходимларига кўпроқ тааллуқлидир. Чунки ҳар бир мамлакатнинг илгариланма ҳаракати туфайли содир бўладиган ривож ҳамда фаровонлиги, саноати, иқтисоди раванқи шу юрт фуқароларининг соғ-саломатлиги, сиҳати даражаси билан узвий боғланган. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт ходимларининг илмий ва амалий жаҳасидаги маҳоратларига, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришларига жуда боғлиқ. Ваҳоланки, ҳар бир хасталиқнинг бошланиш, ривожланиш, энг авжланиш, тузалиш даврлари бор. Касаллик бошланган пайтда ташхис қўйилса, уни бутунлай бартараф этиш жуда осон кечади. Сурункали тус олмайди, асорат қолдиришга улгурмайди. Албатта, бунга эришмоқ осон эмас. Ўз вазифасига ўта масъулликни ҳис қилган билимдон ва зукко шифокор учун бу муаммо эмас.

Ахир, ҳурматли Юртбошимиз: “... моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра, албатта бизники бўлади...” дея айтган гаплари биз тиббиёт ходимлари учун олға етакловчи машъаладир. Ана энди биз, соғлом юрт аҳлининг етакчи, фидойи ва забардаст вакиллари, ўзларининг фойдали иш коэффиценти юқорилиги билан намуна бўлиб, уддабуронлик билан меҳнат майдонида жавлон урмоғимиз лозим.

Биз тиббиёт ходимлари ўз лаёқат ва қобилиятимиздан, уқув, билим ва кўникмаларимиздан ўта юқори даражада фойдаланган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб эта бориб, фаолиятимизда янги ва самарали усулларни татбиқ этсак, меҳнатимиз натижасидан ўзгаларни ҳайрон қолдиришимиз ҳеч гап эмас. Бунинг учун эса Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳнамолигида туғма норасоликлар билан туғилишни кескин камайтириш, туғма касалликларни жарроҳлик ҳамда консерватив йўллар билан максимал равишда бартараф этиш, орттирилган касалликларни ўз ўчоғида, ривожланмасдан, тарқалмасдан туриб даф этиш, мамлакатимиз аҳолисининг соғломлик даражаси рейтингини бўйича энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаши учун курашишимиз керак.

Азиз ҳамкасбларим, касб байрамингиз муборак бўлсин!

**Жуманазар БЕКНАЗАР,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

## СЕВМАСЛИК МУМКИНМИ ЎЗБЕКИСТОННИ?

Юртимнинг қудрати ошиб турганда,  
Халқнинг шижоати тошиб турганда,  
Дунё биз томонга шошиб турганда,  
Бахту иқбол бизга ёндошиб турганда,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Хирмонлари лик тўлса пахтаю донга,  
Халқи зор эмасдир бир парча нонга,  
Адолат, саховат сингиса қонга,  
Худодан инсоф сўраб аҳли инсонга,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Кексалари ёшларга меҳрибон бўлса,  
Ёшлари пахлаван, билимдон бўлса,  
Халқи меҳнат қилиб бойиса, тўлса,  
Адолат ҳар жойда бош мезон бўлса,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Яйловидан бахтин топса чўпони,  
Даласидан завқ олса бобо деҳқони,  
Ўзбеклигин билдирар чопони,  
Хотиржам ўтмоқда ўтган ҳар они,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Қишлоқлари кам эмас асло шаҳардан,  
Кексалар дуо қилар туриб саҳардан,  
Ҳар куни тўй бўлса, эрта наҳордан,  
Наврўзини кутса эрта баҳордан,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Чегарада сергақдир посбонларимиз,  
Янграмоқда қўшиғу дostonларимиз,  
Дилимизда қолмади армонларимиз,  
Ҳайратдан ёқа ушлар меҳмонларимиз,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Юрагим шу Ватан меҳри деб урса,  
Оллоҳнинг назари қўшилиб юрса,  
Элимнинг бошида сарбоним турса,  
Миллатлар ҳадиксиз давронин сурса,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни?

Ҳамиша пок сақлаб дилда имонни,  
Қадрига етайлик ҳар дам, ҳар онни,  
Керак бўлса берайлик, тандаги жонни,  
Садағаси бўлайлик шундай замонни,  
Айтинг-чи ўртага қўйиб виждонни,  
Севмаслик мумкинми Ўзбекистонни,  
Асраб-авайлайлик Ўзбекистонни!

**Шербой ШЕРОВ,  
Қашқадарё вилоят  
соғлиқни сақлаш бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари.**





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**Мамлакатимизнинг барча тиббиёт  
муассасаларида халқимиз  
саломатлигини асраб-авайлаш,  
соғлом турмуш тарзини  
қарор топтириш орқали юртимиз  
тараққиётига, унинг гуллаб-яшнашига  
ҳисса қўшаётган тиббиёт  
ходимларини касб байрамлари  
билан самимий муборакбод этади.  
Сизларга соғлик-саломатлик,  
оилавий хотиржамлик, аҳоли  
саломатлигини сақлашдек  
олижаноб ишларингизга  
улкан муваффақиятлар  
тилайди!**

## МЕҲР ТЎЛА КЎЗЛАРИНГИЗ, ШИФОКОРЛАР!

Юрак кўрингизда Ибн Сино қасами,  
Касбингиздир касблар ичра мукаррами,  
Ширин сўзингиз бемор диллар малҳами,  
Дардга даво сўзларингиз, шифокорлар!

Ота-онадай меҳрибон, ширин сўзли,  
Шер юракли, бургутсимон ўткир кўзли,  
Доно, зийрак, истараси иссиқ юзли,  
Офтоб каби юзларингиз, шифокорлар!

Халқ соғлиги учун воз кечиб оромдан,  
Кеча-кундуз тиним билмай эрта тонгдан,  
Уйқудан ҳам: "Юрт соғлиги" деб уйғонган,  
Меҳр тўла кўзларингиз, шифокорлар!

Доим эл-юрт саломатлигини ўйлаган,  
Дилнинг тўрига меҳру шафқат жойлаган,

Халқ соғлиги учун белни бойлаган,  
Толмасин ҳеч белларингиз, шифокорлар!

Сўзингиз ҳам бемор дилга бўлғай даво,  
"Саломатлик – туман бойлик" – бу муддао,  
Қанча-қанча беморларга бериб шифо,  
Дард кўрмасин кўлларингиз, шифокорлар!

Ўзбекистон обод бўлсин, гулга тўлсин!  
Ватанимиз бахт-иқболи доим кулсин!  
Юртимизнинг келажаги буюк бўлсин!  
Меҳнат қилиб ҳеч толмангиз, шифокорлар!

"Соғлик" деган муқаддас сўз тилингизда!  
Гул-чечаклар унсин юрган йўлингизда!  
Юртнинг буюк келажаги – кўлингизда!  
Доим омон бўлинг, азиз шифокорлар!  
Эшнӣз БУРХОНОВ, Қашқадарё вилояти.

## Қалб тугёни

# ОНАЖОНИМГА



Гўзал водийимда олис қишлоғим,  
Қайдасан, мен яна бағрингга шошдим.  
Ўқидим. Иш дедим. Етмас оёғим,  
Бугун-чи, пурвиқор тоғлардан ошдим.



Шу пурвиқор тоғлар каби орзулар,  
Мени пойтахт сари етаклаб кетди.  
Орзулар ушалди, дилдан қайғулар,  
Энди қайтмас бўлиб йироқлаб кетди.

Болалик чоғларим шу кўчаларда,  
Эслайман боладек кўнглим чопқиллар.  
Эшик тирқишидан қарайман аста,  
Онам йўлларимга кўз тикиб турар.



Безавол ҳаётнинг изғиринлари,  
Сочингиз оралаб қиров ташлади.  
Тақдирнинг аёвли бу синовлари,  
Онажон, кўзингиз тинмай ёшлади.

Фарзанд ташвишида у бедор тунлар,  
Қолиб кетсин энди ўтмиш томонда.  
Онажоним, сизни йиғлатган кунлар,  
Сизга озор берган онлар ёмон-да.



Мана, қаршингизда ўғлингиз бугун,  
Кўлингиз ўпади шифокор бўлиб.  
Мендан бўлсин энди кўнглингиз бутун,  
Мен яна келаман бахтиёр бўлиб.  
Муҳсинжон АЛИМОВ.  
2-сонли Тошкент шаҳар болалар  
жарроҳлик клиник шифохонаси.

## Ён дафтарингизга

Шифокорнинг битта рақиби бор. У ҳам бўлса дард. Бир умр дардни енгиб беморни ҳаётга қайтариб яшаган шифокор ғолибдир.

Тиббиёт тўрт нарсани хуш кўрмайди:

Касаллик ташхиси – шошма-шошарликни,  
Жарроҳлик операцияси – нуқсонни,  
Бемор муолажаси – кўполликни,  
Хаста тузалиши – эринчоқликни.

Отабек МАДАМИНОВ,  
Хоразм вилояти.

## Ҳамшира қиз қалб сўзи

Яратганнинг буюк инъоми  
Саломатлик – бебаҳо неъмат.  
Урмимизни бағишлаганмиз  
Шифо йўлда абадул-абад.

Бобом Темур ўғити ёдда,  
Уни эслаб кўнгли тўлади.  
Фарзандлари соғлом миллатнинг  
Келажаги буюк бўлади.

Соғлом танда, соғлом тафаккур,  
Улғаяркан баркамол авлод.  
Она халқнинг саломатлигини,  
Асраймиз деб қилдик қасамд.

Оқ халатга туширмайман доғ,  
Инсонларга меҳрим зиёда.  
Ҳамшираман тилагим ҳар чоғ,  
Инсон соғлом юрсин дунёда.

Абдулғани СУЛАЙМОН.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5355 нусха.  
Буюртма Г-1158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 3 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.  
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

